O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI JIZZAX VILOYATI HOKIMI QARORI

2022 - yil 29 - iyul 387-3-0-Q/22 Jizzax viloyati hokimligi

Арнасой туманидаги “Нурли Янгибўстон” хусусий корхонасига тегишли ер майдонининг 10,0 гектарини туман ҳокимлиги захира ерлари ҳисобига давлат мулки сифатида қисман қайтариш ва давлат рўйхатига олиш ҳамда “Ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномаси”га ўзгартириш киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги ПФ-6243-сонли Фармонининг ижросини таъминлаш, вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармасининг 2022 йил 19 июлдаги 01/019-1207-сонли ва Арнасой тумани ҳокимининг 2022 йил 18 июлдаги 01-816-сонли хатлари ҳамда “Нурли Янгибўстон” фермер хўжалиги раҳбари Б.Кенгашевнинг розилик аризасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5- ва 36-моддалари ҳамда “Махаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармасининг 2022 йил 19 июлдаги 01/019-1207-сонли, Арнасой тумани ҳокимининг 2022 йил 18 июлдаги 01-816-сонли хатлари ҳамда “Нурли Янгибўстон” фермер хўжалиги раҳбари Б.Кенгашевнинг розилик аризаси инобатга олинсин.

2. Арнасой тумани “Янгибўстон” массиви ҳудудидаги туман ҳокимлиги заҳира ерлари ҳисобидан “Нурли Янгибўстон” фермер хўжалигига пахта ва ғалла йўналишида ажратиб берилган ер майдонларидан хўжалик харитасининг 8қ-, 11қ- ва 13-контурларидаги жами 10,0 гектар, шундан 10,0

гектар сувли ер майдони туман ҳокимлиги захира ерлари ҳисобига давлат мулки сифатида қайтариб олинсин.

3. Ушбу қарорнинг қабул қилиниши муносабати билан “Нурли Янгибўстон” фермер хўжалигининг ҳисобида туманнинг “Янгибўстон” массиви ҳудуди хўжалик харитасининг 3-, 4-, 8қ-, 10-, 11қ- ва 14-контурларида пахта ва ғаллачилик йўналишида жами 130,7 гектар, шундан 126,1 гектар суғориладиган, 1,1 гектар ихота дарахтзор, 2,5 гектар ариқ ва зовурлар, 0,8 гектар дала йўллари ва 0,2 гектар бошқа ер майдонлари қолган деб ҳисоблансин.

4. Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси (**Н.Сидиков**)га захирага қайтарилаётган ер майдонини давлат мулки сифатида давлат рўйхатига олиш вазифаси юклатилсин.

5. Вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (**Б.Бобоқулов**), Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси (**Н.Сидиков**), “Жизвилерлойиҳа” вилоят бўлинмаси (**К.Холмуродов**) Арнасой туман ҳокимлиги **(Х.Алимарданов)** билан биргаликда захира ерлар ҳисобига давлат мулки сифатида қайтарилаётган мазкур ер майдонини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги ПФ-6243-сонли Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 ноябрдаги 709-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси” талабларига мувофиқ қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун очиқ электрон танлов орқали ижарага бериш чораларини кўрсин.

6. Арнасой тумани ҳокимлиги **(Х.Алимарданов) уч кун ичида** 10,0 гектар ер майдонининг захира ерлар ҳисобига давлат мулки сифатида қайтарилаётганлиги туфайли “Нурли Янгибўстон” фермер хўжалиги раҳбарини огоҳлантирсин.

7. Арнасой тумани ҳокимлиги **(Х.Алимарданов)**га ўз розилик аризаси билан ер майдонини қисман захира ерлар ҳисобига қайтараётган “Нурли Янгибўстон” фермер хўжалиги билан тузилган “Ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномаси”га ўзгартириш киритиш вазифаси топширилсин.

8. Барча хизмат кўрсатувчи ва таъминотчи корхоналар раҳбарларига “Нурли Янгибўстон” фермер хўжалигининг ер майдони Арнасой тумани захира ерлари ҳисобига давлат мулки сифатида қисман қайтарилиши

муносабати билан ўзаро ҳисоб-китобларни қайта кўриб чиқсин.

9. “Нурли Янгибўстон” фермер хўжалиги томонидан ер участкасидан ихтиёрий воз кечилганлиги тўғрисидаги аризанинг ҳаққонийлиги учун жавобгарлик вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи **Б.Бобоқулов** ва бошқарма бошлиғи ўринбосари **И.Эргашев** ҳамда Арнасой тумани ҳокими **(Х.Алимарданов)** зиммасига юклатилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари **О.Ашурматов** ҳамда вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи **Б.Бобоқулов** зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими **Э.Салиев**